

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@inbox.ru • 2011 йил, 18 ноябрь • № 46 (859)

Эътибор ва эътироф

КАСБИЙ МАҲОРАТГА МУНОСИБ РАҒБАТ



Жорий йилнинг 12 ноябрь куни Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тиббиёт ходимларининг касб байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Арипов кириш сўзи билан очиб, кейинги йилларда республика тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати, шунингдек, халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончи ортиб бораётганлигини таъкидлаб ўтди. Ва бунда кўп сонли соҳа мутахассисларининг билим ҳамда тажрибалари нечоғлиқ муҳим аҳамият касб этаётганлигини эътироф этиб, Президентимиз томонидан 2006 йил 12 сентябрдаги «Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши улар меҳнатига бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси эканлигини айтиб, иштирокчиларни касб байрамлари билан самимий қутлади. Шунингдек, тизимдаги муваффақиятларга алоҳида ургу бериб, изчиллик

билан амалга оширилаётган фаолиятлар кўламида тиббиёт муассасаларининг замон талаблари даражасида бунёд этилаётганлиги, юқори технологиялар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланаётганлигини алоҳида таъкидлади. Бунинг баробарида тиббиётнинг инсон ҳаёти учун нақадар зарур эканлиги ва унинг ҳар бир йўналишининг ўзига хослиги фанда янада янгилик ва изланишлар олиб борилишини тақозо этади. Шу боис, тизимда илмий салоҳият йўлида қилинаётган илмий ишларда ёш мутахассисларнинг тадқиқотлари ҳам алоҳида ўринга эга эканлигига алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икромов ҳам соҳадаги самарали ишлар хусусида фикрларини билдириб, аввало тиббиёт ходимлари меҳнатини қўллаб-қувватлаб, уларни муносиб рағбатлантираётган Президентимизга ўз миннатдорчилигини изҳор

қилди ва шифокору ҳамшираларни қўллаган айёмлари билан муборакбод этди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева касб байрамларини нишонлаётган соҳа ходимлари меҳнатини эътироф этиб, халқимиз саломатлиги йўлида фидокорона хизмат қилаётган ҳамда ўз меҳнати билан обрў-эътибор топаётган шифокорларни чин дилдан табриклаб, уларнинг машаққатли, масъулиятли ҳамда шарафли ишларига омадлар тилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан соҳа мутахассислари байрамининг қабул қилиниши ва ҳар йили кўтаринки кайфиятда нишонланиши уларнинг касбларига бўлган иштиёқ ва ишчанлик фазилатларининг ошишига хизмат қилмоқда десак, янглишмаган бўлаемиз. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 5 октябрда «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочили» кўрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги 2009-сонли қарори қабул

қилиниб, мазкур қарорга асосан ҳар йили байрам арафасида тизимга ўзининг самарали меҳнати билан етарлича ҳисса қўшган ва касбий малакага эга бўлган мутахассислар ушбу кўрак нишони билан тақдирланиб келмоқдалар. Мазкур байрам арафасида республика тиббиёт муассасаларида астойдил меҳнат қилаётган 123 нафардан ортиқ тиббиёт ходимлари «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочили» кўрак нишони билан тақдирландилар. Таъкидлаш муҳимки, давлатимиз ва соғлиқни сақлаш вазирлиги соҳанинг ҳар бир йўналишига алоҳида эътибор қаратаётганлиги фаолиятдаги муваффақиятларга сабаб бўлмоқда. Шу жумладан, тизимнинг бирламчи бўғинидаги ишларнинг самарадорлиги ошиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражаси яхшиланиб бормоқда. Албатта бундай ижобий натижаларнинг юзага келишида бирламчи бўғинда хизмат қилаётган шифокор ва ҳамшираларнинг ўрни бекиёс (Давоми 2-бетда).

Миннатдорчилик

ХУШМУОМАЛАЛИК – ДИЛ МАЛҲАМИ

Шифокорлик касби инсондан хушмуомалаликни талаб этади. Чунки бир оғиз ширин сўз билан дардга малҳам бўлиш мумкин. Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган шифокор Зебо Мухамеджанова ана шундай хушмуомала, ўз касбининг етук ва малакали мутахассиси. У Шайхонтохур туманидаги 43-оилавий поликлиника мудираси лавозимида фаолият юритиб, мурожат қилиб келган беморларни диққат билан тинглаб, ўзининг ширин сўзи билан уларнинг дардига дармон бўлишга ҳаракат қилади. Шунга айтсалар керакда ширин сўз жон озиғи деб. Бундан бир неча ой аввал руҳий тушкунликка тушиб, кучли депрессия ҳолатини бошимдан ўтказдим. Бахтимни қарангки, менга Зебо Шухритдиновна ҳам шифокор, ҳам ажойиб инсон сифатида катта ёрдам бердилар. Уларнинг қўйган тўғри ташхислари натижасида ушбу ҳолатдан чиқиб, яна аввалгидек соғайиб кетдим. Мен фахр билан Зебо Мухамеджановани ўз касбининг ҳақиқий жонкуяри дегим келади. Шу ўринда уларни касб байрамлари билан самимий табриклаб, оилаларига хотиржамлик, ишларида эса ривож тилаб қоламан.

Ҳасан ВАЛИХОНОВ,
Тошкент шахри.

Обуна – 2012



Ҳурматли муштарийлар!
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2012 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда. Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг! Нашр индекси: 128.

Эътибор ва эътироф

КАСБИЙ МАҲОРАТГА МУНОСИБ РАҒБАТ

КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

"Энг намунали қишлоқ врачлик пункти" республика кўрик-танлови натижаларига кўра, **1-ўрин** Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидан "Наврўз", **2-ўрин** Қашқадарё вилояти Косон туманидан "Нур", **3-ўрин** Андижон вилояти Андижон туманидан "Орол" қишлоқ врачлик пунктларига насиб этди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Элликкальа туманидан "Навоий", Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидан "Сочак", Жиззах вилояти Зомин туманидан "Қизилой", Навоий вилояти Хатирчи туманидан "И. Лочинов", Сурхондарё вилояти Денов туманидан "Жаматак", Наманган вилояти Уйчи туманидан "Файрат", Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидан "Жумабозор", Хоразм вилояти Урганч туманидан "Қоромон", Бухоро вилояти Ғиждувон туманидан "Охунбобоев", Фарғона вилояти Учкўприк туманидан "Бегобод" қишлоқ врачлик пунктлари танлов мукофоти лауреатларига айланишди.

"Энг намунали оилавий поликлиника" танлови якунига кўра **1-ўрин**га Фарғона вилояти Фарғона шаҳридан 7-оилавий поликлиника, **2-ўрин**га Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридан 3-оилавий поликлиника, **3-ўрин**га

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидан 47-оилавий поликлиникалари лойик деб топилди.

"Энг яхши умумий амалиёт шифокори" республика номзодлар танлови бўйича **1-ўрин**га Наманган вилояти Уйчи тумани "Бирлашган" қишлоқ врачлик пункти мудир Зулфияхон Мамажонова, **2-ўрин**га Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл тумани "Алтинкўл" қишлоқ врачлик пункти мудир Кизларгул Алланазарова, **3-ўрин**га Жиззах вилояти Мирзаҷўл тумани "Бог-бон" қишлоқ врачлик пункти мудир Шерали Худойбердиев, Бухоро вилояти Пешкў тумани "Пешку" қишлоқ врачлик пункти мудир Шавкат Ҳикматовлар сазовор бўлишди.

"Энг яхши патронаж ҳамшира" республика номзодлар танлови бўйича **1-ўрин** Хоразм вилояти Богот тумани кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси поликлиникасининг патронаж ҳамшираси Шаҳноза Жумабобоевага, **2-ўрин** Навоий вилояти Навбахор тумани "Истиклол" қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Соҳиба Турдиевага, **3-ўрин** Тошкент вилояти Паркент туманидан "Бўстон" қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Дилафрўз Холтоева ва Сурхондарё вилояти Шеробод тумани "Зарабоғ" қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Мақсуда Жаббороваларга насиб этди.



эканлигига барчамиз гувоҳ бўлиб келмоқдамиз. Шундай экан, мана уч йилдирки, улар меҳнати моддий-маънавий рағбатлантирилиб, «Энг яхши уму-

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси марказий Кенгашининг эсдалик ва қимматбахо совғалари билан тақдирландилар.

барчамизга маълум. Айтишим жоизки, биздек ёш мутахассисларнинг ишлашимиз учун барча шароитларни, қолаверса, малакаларимизни оширишда кенг имкониятлар яратаётган Президентимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигидан миннатдоримиз. Мана бугунги кўрик-танлов ҳам тиббиёт ходимлари меҳнатига бўлган катта эътибордир. Жамоамиз хизматини юқори баҳолаган Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Энг намунали қишлоқ врачлик пункти" кўрик-танловида фахрли ўринни бериб, муассасамизга "Дамас" автомашинасини тақдим этганлиги ходимларимизни мамнун этди. Аҳоли саломатлиги йўлида астойдил хизмат қиладиган шифокору ҳамшираларимиз касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, репродуктив саломатлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда масъулият билан ишламоқдалар. Меҳнатимизга берилган юксак ишонччи оқлаш учун билим ва тажрибаларимизни ишга солиб, инсонлар саломатлиги йўлида хизмат қилишга тайёримиз.

Шаҳноза ЖУМАБАЕВА,
Хоразм вилояти Богот тумани кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси поликлиникасининг патронаж ҳамшираси:

– Аввало, ҳамширалик касбини танлаганимдан ва халқимга хизмат қиладиганимдан фахрланаман. Айниқса, ҳамширалик ишининг такомиллашиб бораётганлиги касбимизга бўлган қизиқишимизни янада ошироқда. Бундан ташқари, узлуксиз таълим жараёнларининг қўлланилаётганлиги ҳам билим ва малакаларимизни доимий равишда мустаҳкамлаб, аҳоли билан янада чуқурроқ ишлашимизни тақозо этмоқда. Поликлиникамизда фуқаролар учун барча шароитлар яратилган бўлиб, аҳолининг тиббиётга бўлган ишончи кундан-кунга ортиб бормоқда. Бугунги байрам тадбирида камтарона меҳнатларимни инобатга олган Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Энг яхши патронаж ҳамшира" танловида фахрли биринчи ўринга муносиб деб топилганим, шунингдек "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочилиси" кўкрак нишони ҳамда қимматбахо совға билан тақдирланганим касбимга бўлган меҳримни янада оширди. Бу мукофот биргина менга эмас, балки бугун жамоам ва устозларим меҳнатига берилган баҳо деб биланман. Албатта, вазирлигимизнинг бундай ишончи зиммамга янада масъулият юклайди.



Кизларгул АЛЛАНАЗОРОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл тумани "Алтинкўл" қишлоқ врачлик пункти мудир:

нинг барча аъзолари соғлигига ҳам катта эътибор бериб келмоқдалар. Аҳоли орасида ижтимоий, юқумли касалликлар кўрсаткичи пасайиб, ижобий



Фафур АБДУРАИМОВ,
Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани "Наврўз" қишлоқ врачлик пункти мудир:

– Кейинги йилларда давлатимиз томонидан тиббиёт тизимига қаратилган эътибор боис, ислохот жараёнлари изчиллик билан давом этмоқда. Бу албатта, ҳар бир тиббиёт ходимини ўз касбига садоқат билан ишлашга ундаши табиий. Айниқса, бирламчи тиббиёт тизимидаги фаолиятлар кўламининг кенгайиб бораётганлиги аҳоли билан янада чуқурроқ ишлашимизни талаб қилмоқда. Шундай экан, мамлакатимизда замон талаблари даражасидаги қишлоқ врачлик пунктларининг зарурий тиббий асбоб-ускуналар, шунингдек, лаборатория жамламалари билан таъминланганлиги ва уларда умумий амалиёт врачлари ҳамда ҳамшираларнинг фаолиятдаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлаётганлиги

(Давоми. Боши 1-бетда).



– Мана бир неча йилдирки, эл саломатлигини муҳофаза қилишда ўз ҳиссамни қўшиб келмоқдаман. Бугунги кунда қишлоқ аҳолисининг қишлоқ врачлик пунктларига мурожаат қилиши, ўз вақтида даво муолажаларини олаётганликлари касалликлар кескин камайишига ҳамда уларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Муассасамиз ходимлари, айниқса, патронаж ҳамширалар ҳомиладор аёллар ва ёш болалар саломатлигини сақлаш баробарида оила-

натижаларга эришилмоқда. Касб байрамимиз арафасида кўплаб тиббиёт ходимлари катори мен ҳам "Энг яхши умумий амалиёт шифокори" танловида иккинчи ўрин соҳибаси бўлдим. Ушбу совринга эришимизда ҳамкасбларимнинг ҳам меҳнати борлигини эътироф этмоқчиман. Биздек соҳа мутахассислари фаолиятини рағбатлантираётган Юртбошимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Шунингдек, мазкур байрам тадбирлари республикамиз тиббиёт муассасаларида ҳам кўтаринки кайфиятда нишонланди. Кўплаб тиббиёт ходимлари касб байрамлари муносабати билан аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш ишида ўзини кўрсатган, етарлича иш тажрибаси ва касб малакасига эга бўлган, ўз фаолиятида юқори натижаларга эришганлари учун "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочилиси" кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Хулоса сифатида айтмоқчимизки, тиббиёт ходимлари касб байрамининг ўзига хос тарзда нишонланиши, уларнинг касблари машаққатли, масъулиятли, аммо шарафли эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Тадбир

ЭЗГУ ФАОЛИЯТЛАРНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ



нинг ўринбосари Марат Ходжибеков ҳам республика тиббиёт тизимида фаолият кўрсатаётган соҳа мутахассисларининг хизматлари нечоғлиқ масъулиятли эканлиги ва бу борада ютуқли натижаларга эришаётганликларини таъкидлаб, кеча иштирокчиларини байрам билан самимий кутлади. Шундай экан, тиббиёт ходимларининг касб байрамида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ҳам ўзининг байрам тўғрисида соҳа вакилларига ҳадя этди.

– Республикамиз соғлиқни сақлаш тизимида фидокорона



Тиббиёт ходимларининг касб байрамлари арафасида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши соҳа мутахассислари учун байрам кечасини уюштирди. Айтиш муҳимки, республикада фаолият олиб бораётган касаба уюшмаларининг фаолият доираси кундан-кунга кенгайиб, инсон ва унинг манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, рағбатлантириш масалаларига катта эътибор қаратаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.



ки улар инсон саломатлиги учун доимий хизматда бўлиб, беморларга нажот бахш этадилар. Шундай экан, биз улар меҳнатини қўллаб-қувватлашимиз зарур, – дейди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси Бахтиёр Маҳмадалиев.

Байрам кечасида юртимизнинг таниқли санъаткорлари иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Тадбир давомида сўз олганлар Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бундай гамжўрликлардан мамнун эканликларини билдириб, ўз миннатдорчиликларини изҳор қилдилар.

Таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик боис, тиббиёт ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш борасида самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу албатта, халқимиз фаровонлигини ошириш, турмуш шароитларини яхшилаш каби эзгу ишларнинг асосий омилидир.

Шу жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ҳамкорликда тиббиёт тизимида фаолият юритаётган соҳа ходимлари меҳнатини қадрлаб, уларга доимий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Кечани Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Танзила Нарбаева кириш сўзи билан очиб, тиббиёт ходимлари меҳнатини эътироф этган ҳолда, уларни касб байрамлари билан муборакбод этди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири

меҳнат қилиб келаётган тиббиёт ходимларининг меҳнатини қанчалар эътироф этиб, гамжўрлик кўрсатсақда, озлик қилади. Чун-

Семинар

ҲАМШИРАЛИК ИШИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧЛАР



Жорий йилнинг 16-17 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги «Саёҳат сари» меҳмонхонасида «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида «Бирламчи тиббий санитария ёрдами тизимида ҳамширалик иши протоколларини амалиётга татбиқ этиш бўйича ишчи гуруҳининг йиғилиши» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларининг ҳамширалик иши бўйича бош мутахассислари, Ўзбекистон ҳамширалар Ассоциацияси вилоят бўлимлари раислари, шунингдек, тиббиёт

коллежлари ўқитувчилари, қишлоқ врачлик пунктларининг координаторлари ҳамда ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларнинг малакасини ошириш ва ихтисослаштириш республика маркази ва унинг вилоят филиалла-

ри мутахассислари иштирок этадилар.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси, Ўзбекистон ҳамширалар Ассоциацияси раиси Рихси Салихаджаева тизимда олиб борилаётган фаолиятлар жараёнида ҳамширалар меҳнати ўз ўрнига эга эканлиги ва бу борада ютуқли натижалар самарасини бераётганлигини эътироф этди. «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари координатори Фарҳод Фузайлов лойиҳа доирасидаги узлуксиз таълим жараёнларининг ҳамширалар фаолиятида алоҳида аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаб, олинган билимларни ҳамширалар фаолиятида қўллаб, аҳоли орасида татбиқ этаётганликларига атрофлича тўхтади. Семинар давомида тажрибали мутахассислар томонидан мавзуга оид маърузалар тингланди. Шунингдек, семинарнинг биринчи кунини Бухоро, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларининг ҳамширалик иши бўйича



бош мутахассис ва ассоциация раислари ҳамширалик иши протоколларининг амалиётдаги ўрни бўйича тақдимот ўтказдилар. Семинарнинг иккинчи кунини Сирдарё ва Андижон вилоятларининг мутахассислари узлуксиз касбий таълим бўйича олиб борилган мониторинг

натижалари хусусида ўз фикрларини баён этадилар. Шунингдек, семинар иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, мазкур мавзу бўйича фаолиятларда учраётган муаммо ва камчиликлар ҳамда таклифларни ўртага ташлаб, ўзаро фикрлашдилар.

Ўзига хос тарзда ўтган ушбу семинарда қутилган натижалар билан бир қаторда, мавжуд муаммо ва камчиликлар ечимини бартараф этиш масалалари келишиб олинди.

1-3-саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади. Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.



Ислохот одимлари

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТНИНГ УЗВИЙ БИРЛИГИ

Таъкидлаш жоизки, тиббиёт тизимида олиб борилган ислохот жараёнларининг изчиллик билан амалга оширилаётганлиги боис, соҳада ижобий натижаларга эришилиб, халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг кундан-кунга ошиб бораётганлигига ҳар биримиз гувоҳимиз. Шундай экан, тиббиётнинг барча йўналишлари каби эндокринология соҳасида ҳам фаолиятлар замон талаблари даражасида олиб борилиб, беморларга жаҳон стандартлари асосида тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, 2007 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши бўйича Эндокринология институти Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказига айлантирилди. Марказимиз эндокринология йўна-

бўлган ҳолатлар аввало, болалар, ўсмирлар ва бутун миллат соғлигига жиддий таъсир этиши барчамизга маълум. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги биринчи эпидемиологик текширувлар 1998 йилда ўтказилди. Текширув натижалари энде-

поқтуз ва Навоийэлектрхимзаводида тузни йодлаштириш бўйича ишлар йўлга қўйилган. Йод етишмаслиги касалликларини бартараф қилишнинг асосий чора-тадбирларидан бири 2007 йилда «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси ҳақида» Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилинишидир. Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида диффуз бўқоқ тарқалганлиги 1998 йилда 75 фоиздан 2007 йилда 61 фоизгача ва 2009-2010 йилларда эса 41 фоизгача пасайганлиги кузатилди. Йодланган туз улуши 1998 йил 8 фоиздан 2007 йил 56 фоизгача ва 2010 йил 66 фоизгача ошди, ваҳоланки бу кўрсаткич 95 фоиздан юқори бўлиши лозим. Йодурция кўрсаткичлари 1998 йил 2,6 фоиздан 2007 йил 60 фоизгача ва 2010 йил 69,5 фоизгача кўтарилди. Юқоридаги амалга оширилган ижобий фаолиятлар билан бир қаторда, айрим камчилик ва муаммолар мутахассисларни ташвишга солаётганлиги сир эмас. «Йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш» Қонуни 2007 йилда қабул қилинганлигига қарамай, ҳозирги кунгача туз билан шугулланувчи 92 та ташкилот мавжуд бўлсада, бу-



да. Айниқса, эндокрин хирургия бўлимида диффуз токсик бўқоқ, аралаш ва кўп тугунли бўқоқлар, қалқонсимон без саратони, қалқонсимон олди беши, буйрак усти беши ўсмалари ва жинсий безларда ноёб хирургик операциялар ўтказилмоқда. Барчамизга маълумки, ишнинг сифати асосан кадрларга боғлиқ бўлиб, қачонки улар билим ва илмий йўналишда излансаларгина, юқорида таъкидлаб ўтилган долзарб муаммоларнинг олдини олишда ўз ҳиссаларини қўшишлари табиий. Бунинг исботи сифатида айтишим жоизки, марказимизда тиреоидология соҳаси бўйича 2 та фан доктори ва 16 та фан номзодлари тайёрланган. Бундан ташқари, нуклеар тиббиёт ривожланишига ҳам катта аҳамият берилмоқда. 2005-2010 йиллар атом энергияси бўйича Халқаро агентлик (МАГАТЭ) ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида техник ҳамкорлик дастури йўлга қўйилди. Ҳозирги кунгача республикамизда МАГАТЭ бизнинг мутахассислар билан биргаликда бошқа давлатларнинг радиолог-мутахассислари иштирокида 5 та ишчи семинарлари-

Марказда 15 йилдан буён нейрорендокринология бўлими фаолият кўрсатмоқда, унинг базасида нейрохирургия бўлими очилган. 7 йилдан бери ҳар йили Европа Нейрорендокринологлари Ассоциацияси президенти, Лондон тиббиёт университети профессори Эшли Гроссман бошчилигида тренинг курслар ўтказиб келинмоқда, бундан ташқари, охириги 5-6 йилдан бери профессор М. Пауэл томонидан гипофизнинг трансфеноидал усули билан 80 дан ортиқ кўрсатмалли операциялар ўтказилди. Буюк Британиянинг «Неврология ва нейрохирургия бўйича миллий госпитали» томонидан беғарз ёрдам сифатида гипофизда трансназал трансфеноидал операциялар ўтказиш учун оператив микроскоп берилди. 2011 йил бошида гипофизда трансфеноидал усул билан операция қилиш учун нейрорендоскопик ускуна апаратыни харид қилдик. Нейрорендоскоп ёрдамида 2011 йил июль ойидан бери гипофизда 20 дан ортиқ хирургик операциялар ўтказилди. Нейрохирургия бўйича 1 нафар тиббиёт фанлари доктори ва 2 нафар тиббиёт фанлари номзоди тайёрланди.

Қандли диабет касаллиги қалқонсимон без касалликларидан кейин 2-ўринда туради. Мазкур муаммонинг долзарблиги биринчи навбатда асоратларнинг (юрак қон-томир касалликлари, диабет ретинопатияси, нефропатияси, диабет тўпиги синдроми) оғирлик даражаси билан аниқланади. Бу асоратларнинг олдини олиш ва беморлар ҳаётини узайтириш мақсадида марказда ҳар кун «Ўз ўзини назорат қилиш мактаби» машғулотларини ўтказиш билан қандли диабет беморлари орасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бундай мактаблар марказ ва қандли диабет беморлари ассоциацияси ҳаракати билан ҳамда халқаро грантлар ёрдамида ҳамма вилоят эндокринологик диспансерларида ташкил қилинган. Ҳозирги пайтда Бутун дунё диабет фонди томонидан олинган Ўзбекистондаги диабет тўпиги ва болалар диабети бўйича иккита халқаро грант олинган бўлиб, бу борада 7 та вилоятда ташкил қилинган қандли диабет беморлар ассоциациялари томонидан фаолиятлар олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда марказимиз ходимлари томонидан қандли диабетнинг асоратлари бўйича эпидемиологик текширувлар ўтказиб келинмоқда.

(Давоми 5-бетда).



лиши бўйича Ўзбекистондаги етук замонавий илмий-амалий тадқиқот ва педагогик ташкилот ҳисобланиб, унинг илмий фаолияти қуйидаги йўналишлардан иборат:

- Ўзбекистонда асосий эндокрин касалликларининг тарқалганлиги, касаллик кечишининг ўзига хос хусусиятлари, уларни даволаш ва олдини олиш чораларини ўрганиш;
- йод танқислиги касалликларини йўқотиш;
- қандли диабет, акромегалия ва қандсиз диабет регистрларини яратиш;
- қандли диабетнинг турли асоратларини самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш;
- гипофиз ўсмалари ва буйрак усти беши касалликларини замонавий ташхислаш ҳамда самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;
- қалқонсимон бездаги турли ёмон сифатли ўсмаларни замонавий усуллар ёрдамида ташхислаш ва даволашни ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ қилиш;
- паканалик ва жинсий ривожланишдан орқада қолишни замонавий ташхислаш, самарали даволашни ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ қилиш;
- репродуктив эндокринология муаммоларини ечиш;
- қалқонсимон без ва қалқонсимон олди беши касалликларини хирургик даволаш;
- эндокрин касалликларини радионуклид усули билан ташхислаш, диффуз токсик бўқоқ ва қалқонсимон без саратони касалликлари бўйича операция қилинган беморларни радиойод усули билан даволаш;
- гипофиз ўсмалари ва унинг асоратларини нейрохирургик даволаш.

Шу ўринда айтиш муҳимки, эндокринологиядаги энг долзарб муаммолардан бири йод етишмаслиги билан боғлиқ касалликлар ҳисобланади. Йод етишмаслиги билан боғлиқ

мик бўқоқ бўйича мамлакатда оғир эпидемиологик ҳолат мавжудлигини кўрсатди. Ош тузи деярли йодланмас эди. Диффуз бўқоқ тарқалганлиги республика бўйича ўртача 75 фоизни ташкил қилади. Шу даврдан бошлаб марказимиз БМТнинг ЮНИСЕФ болалар фонди билан биргаликда «Йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш» мақсадида фаол равишда чора-тадбирлар олиб бормоқда. ЮНИСЕФ ёрдами билан Ўзбекистонда 20 та тузни йодлаштириш ускуналари, 25 тоннадан кўпроқ йодат калий, туз ва пешобда йодни аниқлаш учун 230 та лаборатория ва реактивлар харид қилинди. Бу лабораториялар барча туман, шаҳар, вилоят санитар-эпидемиологик станциялари ва Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказига ўрнатилган. Шунингдек, ЮНИСЕФ ёрдами билан Сурхондарё вилоятининг ҳомилдор ва эмизикли аёлларига липоидолнинг ижобий таъсири ўрганилди (58 минг капсула). 1 та капсула липоидолнинг таъсир қилиш мuddати аниқланди (6 ой). 2002 йилдан буён ЮНИСЕФнинг ёрдами билан ош тузини 3 босқичда, яъни ишлаб чиқаришда, тарқатишда ва уй шароитида мониторинг қилиш амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Хўжайкон тузкони, Қорақал-



лардан 67 тасида йодлаштириш ускуналари ва 77 та ташкилотда тузда йодни аниқлаш бўйича лабораториялар йўқ, тузни йодлаш учун калий йодати сотиб олинмади. Бу муаммони изчил ҳал қилиш учун лицензиялаш системасини янада такомиллаштириш, ташкилотлар сонини 2-3 мартага қисқартириш зарур.

Шу ўринда айтиш муҳимки, юртимизда тиббиёт тизимида оширилаётган ислохотлар жараёнида замонавий технологияларнинг тиббиёт муассасаларига кириб келиши фаолиятлар самардорлигини яхшиламоқда. Шундай экан, марказимизда ҳам мураккаб операцияларни амалга ошириш ишлари йўлга қўйилган бўлиб, улар тажрибали мутахассисларимиз томонидан олиб борилмоқ-



ни ўтказишди. 2007 йил июль ойида нуклеар тиббиёт бўлимида Nucline TM SPIRIT DH-V камера ўрнатилди ва ишга туширилиб, унинг ёрдамида марказимизда ички аъзоларни текшириш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Қалқонсимон без, жигар, буйраклар, қора талоқ, юрак, мия, суяк тизимида ўтказилган текширувлар натижалари компьютер базасида сақланмоқда. Буйракларни динамик ва статистик текшириш, ренография, қалқонсимон без ва қалқонсимон олди бешини сканирлаш текширувлари ўтказилмоқда, шунингдек, қалқонсимон без саратони ташхисланган беморларда радиойод-терапиядан кейин суяк, юрак, ўпка, бутун гавданнинг SPECT текшируви йўлга қўйилган (бир фатонли эмиссион компьютер томография).

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТНИНГ УЗВИЙ БИРЛИГИ

(Давоми. Боши 4-бетда).

хамда бу асоратлар шаклланишининг механизмлари ўрганилмоқда. Бундан ташқари, болалар ва ўсмирлар, шунингдек, катта ёшдаги аҳоли ўртасида қандли диабет беморларнинг миллий регистри яратилди. Олиб борилаётган регистр маълумотларига кўра охириги 5-6 йил ичида 1-тур қандли диабет болалар ўртасидаги ўлим 99 фоизга ва ўсмирлар ўртасидаги ўлим 100 фоиз камайди. Қандли диабет беморларининг ин-

леар тиббиёт бўлими замонавий жиҳозланди. Ҳозирги пайтда давлат инвестицион программаси бўйича гемодиализ маркази ва нейрохирургия ҳамда эндокрин хирургия учун хирургик блок очилиш арафасида бўлиб, ушбу йўналиш бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Буюк Британия ва АҚШнинг бир қатор тадқиқотчилари маълумотларига кўра, тўпиқ яраларнинг тарқалганлиги 5 фоиздан 10,2 фоизгача ташкил қилар экан. Уларнинг 40 фоиздан ортигида жароҳат билан боғлиқ

8 та ўрта тиббиёт ходими тайёрланди. Ҳозирги кунда гемодиализ марказида қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Агар бўлим ишга тушса йилига 500 та сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган эндокрин касалликларни даволаш имконияти яратилади. Марказ ҳошида 2005 йил репродуктология бўлими ташкил қилинган бўлиб, бўлим репродуктив муаммоларни гинекологлар билан биргаликда ҳал қилиш имкониятини бермоқда. 1998 йилдан буён клиникада сийдик-таносил аъзоларида турли хирургик амалиётлар ўтказиб келинмоқда.

Бундан ташқари, марказимизда охириги 7-8 йилдан бери остеопороз касаллиги бўйича изланишлар олиб борилмоқда. ЖССТ остеопорозни (суяк тўқмалари минерал зичлигининг камайиши) ўнта муҳим сурункали касалликлардан бири деб ҳисоблайди. Ушбу касаллик кенг тарқалган бўлишига қарамай, клиник белгиларсиз кечад ва касалликнинг биринчи белгиси бўлиб суяклар синиши ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра сон бўйининг синиши ҳолатида ҳар 4 бемордан бири 6-8 ой давомида вафот этади. Катталарда суяклар

риш мақсадида семинарлар ташкил этилмоқда. 2010-2011 йилларда барча вилоятларда 2 кунлик қандли диабет бўйича семинарлар ўтказилди. Худди шундай 2 кунлик семинарлар тиреидология, нейроэндокринология ва репродуктив эндокринология бўйича ўтказилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, доимий равишда республика миқёсида илмий-амалий ва ёш олимлар анжуманлари бўлиб ўтмоқда.

Қандли диабет касаллигига қарши курашни аҳоли орасида тарғибот қилиш мақсадида

жамият ва ассоциацияларнинг аъзолари ҳисобланиб, улар халқаро конгрессларда маърузалар билан иштирок этиб келмоқдалар.

Фахр билан айтишим жоизки, истиқлол даврида марказимиз қошидаги ихтисослашган кенгашда 21 та докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Шунингдек, илмий ва клиник ходимларимиз узлуксиз равишда эндокринологиянинг асосий муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқда-



сулин билан таъминлини яхшиланди. Шу билан бир қаторда, йод етишмаслиги шароитидаги болалар ва ўсмирлар ўртасида ўсишдан орқада қолишнинг тарқалишини ўрганиш бўйича республика вилоятларида эпидемиологик текширувлар ўтказилди. Эндокринолог ва педиатрлар учун ўсишдан орқада қолишни ташхислаш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилди ва татбиқ қилинди. Репродуктив эндокринология ва болалар эндокринология бўлимида болалар ва ўсмирлар жинсий ривожланишининг бузилишини ўрганиш бўйича клиник-гормонал ва генетик текширувлар олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқларига биноан марказ етакчи мутахассислари томонидан «Эндокринология бўйича ташхислаш ва даволаш стандартлари» ишлаб чиқилди. Вилоят эндокринология диспансерлари шифокорлари амалий фаолиятида «Эндокринология бўйича ташхислаш ва даволаш стандартлари»ни қўллаш беморларни даволаш сифати ва замонавий ташхислашга ижобий таъсир кўрсатмоқда, беморларнинг стационарда даволаниш муддатини камайтирмоқда.

2001 йилдан бошлаб, марказимиз базасида босқичма-босқич диабет нефропатияси, диабетик тўпиғи, репродуктология бўлими очилди ва нук-

бўлмаган, диабет гангренаси сабабли оёқлар ампутацияси ўтказилган. Ушбу муаммонинг долзарблигини ҳисобга олиб, 2009 йилдан бошлаб, марказимизнинг «Диабет тўпиғи» бўлими Республика шошилини тиббий ёрдам илмий маркази ва Академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг қон томирлар бўлими билан биргаликда фаолият кўрсата бошлади. Диабет тўпиғи синдромининг нейрошемик шакли бўлган қандли диабет беморларда кўрсатма бўйича транслюминал баллон ангиопластикаси (ТЛБА) ва оёқ қон томирларини стентлаш амалиётлари ўтказилмоқда. Бу амалиёт ампутация натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини аҳамиятли камайтириш имкониятини яратади.

Шунингдек, марказимизнинг диабет нефропатияси бўлимида юқори малакали ходимлар фаолият (3 нафар т.ф.н.) кўрсатиб келмоқда ва гемодиализ маркази учун 4 та мутахассис, шунингдек, гемодиализ ўтказиш учун



синишининг олдини олиш, остеопорозни эрта ташхислаш учун суяклар минерал зичлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли марказимизда ультратовуш денситометрия аппарати ишга туширилди. Аппарат ёрдамида 20 мингдан ортқ аҳоли текширувдан ўтказилиб, зарур бўлган даво муолажалари тавсия этилди. Остеопороз бўйича Тошкент шаҳри, Бухоро, Наманган, Хоразм ва республикамизнинг бошқа вилоятларида аёллар ва эркаклар ўртасида эпидемиологик тадқиқотлар ўтказилди.

Марказ ходимлари томонидан доимий равишда вилоят эндокринологлари малакасини оши-



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, марказимиз, Республика Хотинқизлар қўмитаси, Эндокринология ва диабетик Ассоциациялари билан биргаликда ҳар йили ноябрь ойида диабет ойлигини ўтказишни ва 14 ноябрь – Халқаро диабет кунини нишонлашни ташкил қилмоқда.

Марказимизнинг етук ва истеъдодли мутахассислари ўз соҳалари бўйича (эндокринология, эндокрин жарроҳлик, диабетология, нейроэндокринология, репродуктология) халқаро

лар. Ва унинг натижасида 8 та монография, 116 та услубий ва амалий қўлланма, 1201 та илмий мақолалар чоп этилган. Бундан ташқари, илмий ва амалий ихтироларни татбиқ қилиш бўйича 29 та патент олинган. Таъкидлаш жоизки, докторлик ва номзодлик диссертациялари – бу бир қатор илмий мактабларнинг натижасида юзага келган асосий ютуқлардан биридир. Фаолиятлар давомида остеопорозни ўрганиш бўйича янги йўналиш ташкил қилиниб, 3 та номзодлик диссертацияси ҳимояга тайёрланмоқда. Марказимиз базасида клиник ординаторлар, магистрлар ўқитилади. Шунингдек, биз Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг эндокринология кафедраси билан республика вилоятларидаги эндокринологларнинг малакасини ошириш борасида ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз.

Марказимиздаги фаолиятлар тўғрисида тўхталиб ўтар эканман, соҳадаги барча ютуқлар қатори айрим камчилиқ ва муаммоларга алоҳида ургу бериб ўтганимнинг боиси шундаки, қандли диабет касаллигининг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш борасида аҳоли орасида мунтазам тарзда тарғибот ишларини янада кучайтиришни лозим деб биламан. Бунинг учун барчамиз биргаликда иш олиб борсақкина, кўзлаган мақсадларимизга эришамиз деб ўйлайман.

Саид ИСМОИЛОВ,
Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, профессор.



Халқаро диабет ойлиги

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда Тошкент Давлат консерваториясида беморлар учун концерт дастурини намойиш этди.

Тадбирда марказда фаолият олиб бораётган ходимлар ҳамда ординатор ва магистрлар, талаба ёшлар қандли диабет касаллигининг олдини олишга бағишланган сахна кўринишларини намойиш этганликлари иштирокчилар эътиборини ўзига тортиди.



Долзарб мавзу

САЛОМАТЛИГИМИЗГА ЭЪТИБОР
ҚАРАТИШИМИЗ МУҲИМ

Қандли диабет касаллигига чалинган беморлар сонининг доимий равишда кўпайиб бориши кўплаб тиббий ва ижтимоий муаммоларга сабаб бўлади. ЖССТнинг 1983 йилдаги маълумотларига қараганда шу йили қандли диабетга чалинган беморлар сони 50 миллионни ташкил қилган, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 285 миллионга етди, 2030 йилга келиб беморлар сони 438 миллионга етиши тахмин қилинмоқда.

Касалликнинг энг жиддий муаммоларига қандли диабет туфайли миокард, буйрақлар, кўз тўр пардаси ва оёқ қон томирларининг зарарланиши каби кечки асоратлар қиради ва бу рўйхатда диабет тўпиғи етакчи ўринда туради. Баъзи маълумотларга қараганда касаллик аниқлангандан сўнг 20 йил ўтгач, қандли диабетга чалинган беморларнинг 80 фоизда оёқ қон томирларининг зарарланиши кузатилади. Нотравматик характердаги ампутацияларнинг 40-70 фоизи қандли диабетга чалинган беморларда бажарилади, бунда яқин вақт оралиғидаги ўлим кўрсаткичи 20 фоиздан ошади. Адабиётларга қараганда ампутациялардан 2-3 йил ўтгач деярли 50 фоиз беморларда бошқа оёқда ҳам ампутация бажарилади. Ўзбекистонда ўтказилган эпидемиологик маълумотларга қараганда диабет тўпиғи синдроми учраш кўрсаткичи 5,75 фоиз, ампутациялар эса 1,76 фоизни ташкил қилади. Қандли диабетга чалинган беморларда хирургик инфекцияларни даволаш муаммоларининг долзарблиги диабет тўпиғи синдроми (ДТС) мустақил нозологик бирлик сифатида ажратилишни тақозо қилади. Диабет тўпиғи синдроми периферик нервлар, қон томирлар, юмшоқ тўқималар, суяклар, бўғимлар шикастланиши фонида кечадиган, ўткир ҳамда сурункали яралар, суяк ва бўғимларнинг шикастланиши, йирингли некрозли жараёнлар кўринишида намоён бўладиган патологик ҳолатдир. Бу синдром диабетга чалинган беморларнинг 30-80 фоизда кузатилади.

ДТС патогенезида бир қанча омиллар биргаликда иштирок этади. Биринчи омил – микроангиопатия. Микроангиопатия деганда фақат майда қон томирларнинг шикастланиши тушунилади. Асосий ўзгаришлар капиллярларнинг базал мембранасида содир бўлади. Бунда базал мембранада PAS мусбат моддаларнинг, шу жумладан, мукополисахаридлар, гликопротеидлар, липидлар тўпланиши кузатилиб, натижада, капиллярлар мембранаси 2-5, баъзида 8-10 марта қалинлашади. Мембраналар қаватларга ажралиши кузатилади. Капиллярлар мембранасидаги ва эндотелийдаги юқорида қайд этилган ўзгаришлар биологик суяқликлар селектив филтрцияси ва диффуз алмашинувни бузилишига олиб келади бу ўз навбатида алмашинув махсулотлари чиқариб юборилишини, тўқималар кислород ва озукка моддалари билан таъминланишига тўсқинлик қилади. Гипоксия тўқималарда деструктив ўзгаришларга ва гангрена ҳамда некрозли жараёнларга сабаб бўлади. Атеросклеротик ўзгаришлар (макроангиопатия) қандли диабетга чалинган бемор-

ларда 10 йил аввал ривожланади ва жуда хавфли кечади. Қандли диабетга чалинган беморлардаги атеросклерознинг фаркли жихати шундаки, йирик қон томирлар камроқ, майда, ўрта калибрли артерия ва артериолаларнинг эса кўпроқ шикастланишидир. Атеросклеротик ўзгаришлар кўпроқ тақим ости, катта болдир ва панжа артериаларида кузатилади. Диабет ангиопатияларининг кўп учрайдиган яна бир тури медиокальцинозидир. Унинг учраш частотаси ва интенсивлиги дистал артериалар томон ошиб боради.

Полинейропатия нерв тўқимасида глюкоза алмашинуви бузилиши, нерв ҳужайралари мембраналарининг гликирланиши ва vasa nervorumнинг шикастланиши оқибатида юзга келади. Соматик ва автоном нейропатияни трофик яра пайдо бўлишидаги мустақил омиллар сифатида баҳолаш мумкин. Соматик, узоқ давом этувчи сенсор-мотор нейропатия оёқ панжасида ўзига хос деформацияга сабаб бўлади ва бу юришга ҳамда тик туришга халақит беради. Сенсор диабет нейропатияси оғриқ, тактил, ҳарорат, вибрацион, проприоцептив сезувчанликнинг пасайиши билан кечади. Ҳимоя механизмидан айрилган оёқ панжаси (механик, кимёвий, термик травмаларга жавоб реакцияси йўқлиги) йирингли некрозли жараёнларнинг ривожланиш хавфини оширади.

Остеоартропатияларда қандли диабетда кальциурия ва тузаларнинг йўқолиши кузатилади. Рентген текширувда суяк бўғим аппаратидан турли ўзгаришларни кузатиш мумкин: оёқ панжасининг кескин деформацияси туфайли юмшоқ тўқималар ҳажми катталашиб, остеопороз ва остеосклероз кузатилади. Бўғим юзаларида остеолиз, суяк айрим қисмларининг деструкция ва фрагментацияси, спонтан патологик синишлар кузатилади. Оёқ панжаси деформациясида унинг таянч майдони камайдиган, бўртиб чиққан соҳаларда босим кўпаяди ва яралар пайдо бўлади.

Клиника ва диагностикаси
Нейропатия ёки ишемиянинг намоён бўлишига қараб, ДТСнинг қуйидаги шакллари фарқланади: нейропатик, ишемик, нейроишемик.

Беморлар қуйидагилардан, яъни оёқлар чарчashi, увишиши, парестезиялардан шикоят қилади. Бу шикоятларнинг доимийлиги ва даражаси касаллик босқичига боғлиқ.

Диабет узоқ вақт давом этганда оёқ панжасида деформациялар ривожланади, оёқ панжасининг кўндаланг ва бўйлама ўлчамлари катталашади, бўйлама ва кўндаланг яссиоёқлик ривожланади, панжа-болдир бўғими ҳажми катталашади, деформация кузатилади. Бармоқлар болғасимон деформацияси, метатарзал суяклар

гипертрофияси кузатилиб, оёқ панжасида қадоқлар пайдо бўлади (нейроостеоартропатия, Шарко тўпиғи).

Ҳарорат, тактил, проприоцептив сезувчанлик бузилиши оқибатида микротравмалар (қадоқларга ишлов бериш, тор оёқ кийим кийиш, иссиқлик муолажалари) ўзича тузалиб кетмасдан флегмоналар, трофик яралар, панжа гангреналари ривожланади. Тирноқ пластинкаларининг атрофи ва деформацияси туфайли оёқ панжасининг микотик шикастланиши кенг тарқалган. ДТС ишемик шакли учун ўтиб кетувчи чўлоқлик хос. Агар окклюзия адекват қон оқими билан компенсация қилинса тинч турган пайда симптомлар юзга чиқмаслиги мумкин, аммо жисмоний зўриқиш пайтида яна ўтиб кетувчи чўлоқлик пайдо бўлади. ДТС бўлган беморни кўриқдан ўтказиш пайтида оёқлар рангига, шиш бор-йўқлигига, деформация мавжудлигига, бўғимларда патологик ҳаракатчанлик мавжудлигига, яра локализациясига, ажралма характерига, атрофидаги тери ҳолатига эътибор бериш лозим (экзема, индурация, целлюлит).

Тактил, оғриқ, ҳарорат, вибрацион сезувчанликни, пай рефлексларни баҳолаш ташхис қўйишда жуда муҳим саналади. Артериялар ҳолатини баҳолаш учун махсус текширув усулларида фойдаланилади. Буларга Мрентгеноконтраст ангиография, Допплер текшируви, компьютер видеокапилляроскопия усуллари қиради. Жароҳат ҳолатини баҳолаш учун цитологик ва бактериологик текширув ўтказилади.

Даволаш. ЎзССВ РИЗИАТМ клиникасида диабет тўпиғи синдроми билан хаста беморларни комплекс текширув ва даволаш дастури ишлаб чиқилган. Бизнинг фикримизча диабет тўпиғи синдроми билан хаста беморларни даволаш қуйидаги босқичларда ўтказилиши лозим:

1. Қандли диабет компенсацияси.
2. Умумий медикаментоз даво.
3. Яра атрофидаги терини соғломлаштириш ва перифокал яллиғланишни бартараф қилиш.
4. Ярада йирингли-некрозли жараёнлар ва яллиғланишни бартараф қилиш.
5. Микрофлорани йўқотиш.
6. Репаратив регенерацияни фаоллаштириш.
7. Умумий ва маҳаллий иммуномодуляция.
8. Оёқни жисмоний зўриқишдан сақлаш.
9. Хирургик даво (қайта некрэктомиялар, аутодермопластика қилиш, тежамкор, кичик ва катта ампутациялар).

ДТСни даволашда қанд пайдаланиш усулларида эътибор берилганда ушбу усулнинг асосини компенсация қилиш жуда муҳим саналади. Беморда инфекция асоратлар бўлганда, ишемик шикастланишларда ва гипергликемия кузатилганда беморни албатта инсулинотерапияга ўтказиш лозим. 10 ммоль/л дан баланд гипергликемия нафақат яра битишига тўсқинлик қилади, балки иммуносупрессияни ҳам кучайтиради.

Умумий даволаш таркибига спазмолитик воситалар, қоннинг реологик хусусиятини яхшиловчи препаратлар қиради. Микроциркуляцияни яхшиловчи воситалар орасида алпростадилни алоҳида таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, даволаш дастурига липой кислота препаратлари ва мидокальмини киритиш лозим. Антиоксидант

тикларни маҳаллий қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бундай ҳолатда микрофлора бартараф бўлмасдан, фақат таркиби ўзгаради холос.

ДТСни доривор бўлмаган даволаш усулларида қуйидагилар қиради: оёқлар гимнастикаси, физиотерапия, уқалаш ва бошқалар.

Профилактикаси



таъсирга эга препаратлар орасида энг яхшиси альфа-липой (тиоктат) кислотага етадигани йўқ. Альфа-липой кислота табиий унвесал антиоксидант ҳисобланади. Унинг фаоллик спектри кенг. Бу препаратни доимий равишда қўллаш қариш жараёнлари, шу жумладан, катаракта, юрак хасталиклари, мия ва периферик нервлар касалликлари ривожланишини кечиктиради. Бу препаратнинг диабет нейропатиясини даволашда кенг қўлланилиши унинг кўплаб текширувларга асосланган патогенетик самарадорлигидир (уни 600-1800 мг суткасига қўллаганда сенсомотор дефицитни камайтириш, электрофизиологик кўрсаткичларни яхшиланиши кузатилган). Бу препарат вена ичига қўлланилганда аъло даражадаги оғриқ қолдирувчи хусусияти намоён бўлади, бундан ташқари, препаратни қўллаш бутунлай хавфсиз. Физиотерапевтик муолажалардан микроциркуляцияни яхшиловчи учун гипербарик оксигенация, лазеротерапиядан фойдаланилади.

Жароҳатни маҳаллий даволаш қуйидагилардан, яъни ярани кунт билан санация қилиш, яра атрофидаги терини соғломлаштириш, ҳар куни боғлам алмаштиришдан иборат. Инфекцияга қарши курашда биз таъсирчанликка кўра антибиотиклардан фойдаланамиз. Бунда антибио-

Диабет – оёқлар шикастланиши узоқ давом этадиган, нейропатия, ангиопатия, яра пайдо бўлиши, оёқлар ампутацияси каби жараёнлар кетма-кет келиши билан кечадиган касалликдир. ДТС олиб келувчи сабаблар тахлили натижаси агар даво профилактик ишлари тўғри йўлга қўйилса, жараённи эрта босқичларда тўхтатиш мумкин. Тадқиқотларда аниқланишича, диабет тўпиғи синдроми даволашга, ампутацияларга кетадиган харажатлар унинг олди олинишига қаратилган харажатларга нисбатан анча кўп. Хавф гуруҳига кирувчи беморларга ташхис қўйилгандан кейин профилактика чора-тадбирларини бошлаш лозим. Энг аввало бу чора-тадбирлар беморлар пойабзал билан таъминланиши, оёқларни парвариш қилиш ва мавжуд асоратлар ривожланиб кетишининг олдини олиш учун дори воситаларини қўллашдан иборат.

Диабетда оёқ панжасидаги яралар рецидивини икки баробар камайтириш имконига эга махсус ортопедик пойабзалларнинг самарадорлиги исботланган. «Диабет пойабзали»нинг алоҳида хусусияти шундан иборатки, у ҳар бир бемор оёқ панжаси патологиясини инobatга олган ҳолда индивидуал тайёрланади, чоксиз бўлиб,

(Давоми 7-бетда).

Долзарб мавзу

САЛОМАТЛИГИМИЗГА ЭЪТИБОР
ҚАРАТИШИМИЗ МУҲИМ

(Давоми. Боши 6-бетда).

қўйиладиган махсус патак учун жой захираси бўлади, бундан ташқари, бу пойабзал юқоридан тушадиган босимни панжага оқилон тақсимлайди. Профилактикада оёқ панжаси подиатр парвариши алоҳида аҳамиятга эга. Подиатр парвариши деганда панжанинг муаммоли соҳаларига ишлов бериш, қадоқни тозалаш, оёқ терисини юмшатувчи ва озиклантирувчи кремлардан фойдаланиш тушунилади. Гиперкератоз биомеханик босим кўп тушадиган соҳаларда терининг ҳаддан ташқари кўп мугузланиши оқибатида яра пайдо бўлишининг хавфи омили ҳисобланади. Гипергликемия, тери ва тери ости ёғ қаватининг гликирланишини кучайиши оқибатида нейрпатик оёқ панжасида гиперкератоз шаклланиши жараёни тезлашади. Агар гиперкератозга вақтида ишлов берилмаса, у яра ҳосил бўлишини бошлаб берувчи аҳамиятга эга бўлиб қолади. Гиперкератоз эҳтиёткорлик билан остидаги тери қаватларини шикастламасдан механик йўл

билан скальпель ёки скалер ёрдамида олиб ташланади.

Қандли диабетга чалинган беморлар учун мўлжалланган деярли барча кремлар таркибида турли миқдорда мочевина мавжуд. Мочевина автоном нейрпатия таъсирида юзага келадиган ангідроз туфайли қуриб қолган терини фаол юмшатади. ДТС ривожланиши ва ампутицияларнинг олдини олишнинг энг яхши ва самарали усули яра пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни комплекс ҳолда қўллашдир.

Бунинг учун қуйидагилар зарур бўлади:

1. Оёқни ҳар куни илиқ сувда совун билан ювиш лозим. Сувнинг ҳарорати термометр ёки тирсак ёрдамида текширилади. Сувнинг ҳарорати 38°C градусдан ошмаслиги керак. Оёқни ювиб бўлгач, яхшилаб куруқ сочиқ билан артиш лозим. Айниқса бармоқлар орасини яхшилаб артиш керак, чунки бармоқлар орасининг нам бўлиши бичилишлар ва замбуруғ касалликлари пайдо бўлишига олиб келади. Оёқ панжаси кафтига доимо ёғли кремлар суртиш лозим. Крем бармоқлар оралиги-

га тушмаслиги керак. Агар тушса салфетка билан артиб ташлаш муҳим.

2. Беморнинг ўзи ҳар куни оёқ кафтини инфекция тушиши мумкин бўлган пуфак, ёриқлар, тирналган жойлар ва бошқа шикастланишларни ўз вақтида кўриш учун полда жойлашган кўзгудан фойдаланиши керак. Бармоқлар орасини кўздан кечириш лозимлигини унутманг! Агар ўзингиз буни уddenдай олмасангиз оила аъзоларингиздан илтимос қилинг.

3. Тирноқларга фақат эгов ёрдамида ишлов беринг. Ўткир предметлардан (қайчи, қисқич) фойдаланиш қатъиян ман этилади. Тирноқ қиргоғи фақат горизонтал йўналишда эговланади, бурчакларини олиш мумкин эмас, акс ҳолда тирноқ этга ўсиши мумкин. Бу эса ёмон асоратларга олиб келиши табиий.

4. Бемор оёқ кийимини кийишдан аввал ичини доимий равишда кўздан кечириб ёт моддаларни олиб ташлаши, патакнинг букланган жойларини текислаши лозим. Оёқларни грелкалар, каминь, батареяда, иссиқлик муолажалари ёрдамида иситиш мумкин эмас, акс ҳолда

термик куйиш мумкин.

5. Оёқни пахта толали пайпоқлар ёрдамида иситиш мумкин, бунда пайпоқ резинаси сиқиши мумкин эмас. Ўзингизга лойиқ пайпоқ кийинг.

6. Ҳар бир бемор оёғидаги ёриқ, кесилган жойлар ва бошқа шикастланишларга ишлов бериш учун махсус дори кутиси бўлиши лозим.

7. Қандли диабет билан хаста беморлар яланг оёқ юриши мумкин эмас. Уйда, саунада, бассейнда, пляжда ёпиқ оёқ кийимда юриш мумкин.

8. Қандли диабет билан хаста беморлар агар қарши кўрсатма бўлмаса ҳар куни 10-15 минут оёқ учун бадантарбия қилиши лозим. Бу оёқ панжасининг майда томирлари ҳаракатчанлигини сақлаб қолиш

учун зарур.

9. Товон соҳасидаги «қўпол» терини ва қадоқни махсус эгов ёки пемза ёрдамида доимий равишда тозалаб туриш лозим. Қадоқни бирданига ҳаммасини олиш мумкин эмас. Қадоқни кесиш, буғлаш ҳамда уни олиб ташлаш учун мўлжалланган суюқлик ва пластрдан фойдаланиш мумкин эмас.

10. Пойабзал сотиб олиш вақтида бошидан ўзингизга мос пойабзал олинг. Учи ингичка пойабзал кийманг, акс ҳолда бармоқлар эзилиб қолиши мумкин.

11. Пайпоқсиз оёқ кийим кийманг. Бармоқлар орасидан ўтадиган боғичи бор сандал ёки босоножкалар кийманг. Иссиқ пайтларда яланг оёқ юрманг.

Шундай қилиб ўз вақтида превентив, мултидисциплинар ёрдам кўрсатиш диабет билан хасталанган бемор оёғини узоқ вақт ярасиз ҳолатда сақлашга ва оёқлар ампутиациясининг олдини олиш имконини беради.

**Т. КАМОЛОВ,
Х. ШОКИРОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази. 5-6-бетлардаги суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Новые разработки

ДЛЯ ЗДОРОВЬЯ ЛЮДЕЙ

У больных, страдающих диабетом, часто в области стопы образуются язвенные дефекты. Поэтому на базе Республиканского специализированного научно-практического центра эндокринологии открыт кабинет подиатра (в переводе с латинского "поди" означает "стопа").

Кабинет для врача этой медицинской специальности организован по инициативе директора центра Саида Ибрагимовича Исмаилова в 1999 году. Специалисты по

ально для этого проходившая стажировку в Англии. В её обязанности входит профилактика язвенных дефектов и предотвращение их рецидивов. В индивидуальных и групповых бе-

обязательно делаю ванночки для ног со специальным раствором. Если образуется рана, то обрабатываю ее лечебными мазями. Важная часть моей работы – это внушить пациенту мысль о том, что надо следить за состоянием своих стоп; при обнаружении каких-либо дефектов тут же обращаться к врачу.

Теперь ко мне, на базе кабинета подиатра Республиканского специализированного научно-практического центра эндокринологии, приезжают на обучение медсестры из различных регионов страны, а после удачно сданного ими экзамена по специализации "подиатр", мы выдаём им сертификат. Так что свои знания и умение передаю молодым. В течение 2-х лет у нас прошла подготовку 21 медсестра.

Еще в этом году совместно с Международным фондом "Диабет" и при поддержке Министерства здравоохранения Узбекистана наша медицинская группа, куда входили врач, хирург, лаборанты, два подиатра, в том числе и я, проводили обследование по семи регионам республики, а в Джизаке и Андижане открыли кабинет "подиатр". А в марте 2012 года решили провести конкурс "Лучший подиатр".

Один мой совет всем – берегите стопы!

**А. ПОПОВ.
Фото автора.**



язвенным дефектам стопы есть ещё в новом ТашМИ. Там аналогичный кабинет был открыт немного раньше, и специалисты называют несколько подругому – кероподисты.

В кабинете подиатра Республиканского специализированного научно-практического центра эндокринологии работает медсестра Людмила Николаевна Кокорева, специ-

седах Людмила Николаевна рассказывает пациентам, как им самостоятельно ухаживать за собой после окончания лечебного курса в центре.

– Все начинается с осмотра стопы больного, – рассказывает Людмила Кокорева, – пульсации сосудов на ней, проверки вибрационной, танталовой, болевой и температурной чувствительности. После удаления натоптышей

Ибрат



САЛОМАТЛИК – КАТТА БОЙЛИК

Инсоннинг энг катта бойлиги – саломатлик. Дарҳақиқат, инсон соғлом экан, ишида ривож, оиласида хотиржамлик, кўнглида эса шукроналик туйғулари жўш ураверади. Шунинг учун мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок, юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

– Қариллими билмадим, тез-тез касал бўлавераман, – дейди Салима ая. – Яхшиямки, мамлакатимизда барча замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган, малакали мутахассислар фаолият юритаётган шифохоналару тиббиёт бирлашмалари, қолаверса, ҳар бир туманга хизмат кўрсатадиган поликлиникалар бор. Улар бизнинг оғиримизни энгил қилиб, дардимизга шифо топишга ёрдам бераёпти.

Олмазор туманидаги марказий кўп тармоқли поликлиникани ана шундай муассасалар қаторига қўшиш мумкин. Муассаса «Себзор» ва «Тахтапул» маҳаллаларидаги 29792 нафар аҳолига, шунингдек, тиббиёт маскани худуддаги 4 та мактаб, 4 та мактабгача таълим муассасаси ва 1 та касб-хунар коллежига ҳам хизмат кўрсатади.

– Муассасада 16 нафар умумий амалиёт шифокори, 100 га яқин ҳамширалар фаолият юритади. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш бўйича тиббиёт ходимлари аҳоли орасида тарғибот ишларини кучайтириб, касалликларнинг олдини олишда астойдил меҳнат қилмоқдалар, – дейди Олмазор тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари Акмал Юлдашев.

Ушбу муассасадаги тажрибали врачлардан Халима Ҳожимуродова, Марҳаб Эргашева ва патронаж ҳамшира Насиба Мамутовалар меҳнатидан аҳоли мамнун бўлмоқда.

Даврон АХМЕДОВ.

СУРАТДА: Халима Ҳожимуродова ва патронаж ҳамшираси Насиба Мамутова.

Муаллиф олган сурат.

«PharmMedExpo – 2011»

ТИЗИМДАГИ ЮТУҚЛАР ҲАМОҲАНГЛИГИ

Жорий йилнинг 15 ноябрь куни Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «ZarExpo» миллий кўргазма компанияси, «Дори-дармон» АК, «Ўзфармсанот» ДАК ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида «PharmMedExpo – 2011» кўргазмаси иш бошлади. Тадбирнинг очилиш маросимида соҳа ходимлари, мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатларда фаолият олиб бораётган бир қанча компаниялар мутахассислари ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Айтиш жоизки, республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ишлар кўламининг янада кенгайиб бораётганлиги боис, халқимиз саломатлиги йўлида қилинаётган фаолиятлар ўз натижасини бераётганлиги қувонарли ҳолдир. Албатта тизимдаги ютуқларнинг юзга келишида тиббиёт муассасаларидаги замонавий тиббиёт аппаратуралари ҳамда маляка кадрларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Тиббиёт фанининг чексизлиги соҳа мутахассисларидан билим ва тажриба, шунингдек, янгилликлар сари изланишларни талаб этар экан, бу борада тизимга оид ўтказилаётган ҳар бир тадбир, қолаверса, тиббиёт кўргазмалари анъанага айланганлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Кўргазмадан тиббий жиҳозлар, дори-дармон ва шифобахш гиёҳлар, ташҳис ва муолажа ускуналари, санитария-



гиена, реабилитация, спорт-соғломлаштириш воситалари ўрин олган. Мазкур халқаро тадбирда маҳаллий ишлаб чиқарув-

чиларнинг маҳсулотларидан ташқари, Жанубий Корея, Россия, Покистон, Сурия, Ҳиндистон, Украина, Буюк Британия, Бангладеш мамлакатларининг фирма ва компанияларида ишлаб чиқарилган тиббий воситалар ҳам намоиш этилди.

– Айтишим жоизки, бундай ўтказилаётган тиббиёт кўргаз-



лар, тиббий жиҳозлар инсон саломатлиги йўлида қилинаётган эзгу ишлардан бири эканлигига амин бўлиб турибмиз. Шундай экан, компаниямиз жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчилардан бири ҳисобланади, – дейди «Интерсюзжикал» минтақавий савдо директори Александр Кравченко. – Айни кунда маҳсулотларимиз жаҳоннинг

юзга яқин давлатларига экспорт қилинмоқда. Юртингизда яқиндагина иш бошлаган бўлсак-да, кўплаб шифо масканлари билан шартнома имзолашга эришдик. Мазкур кўргазма давомида барча ташкилотлар билан мустақам алоқа ўрнатган ҳолда фаолиятларимизни янада кенгайтирашимиз деган умиддаман.

Ҳа, бундай кенг аудиторияда ўтказилаётган тиббиёт кўргазмаларининг асосий мақсади тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, аҳолига сифатли дори-дармонлар етказишдан иборатдир.

Анвар САМАТХОДЖАЕВ, муаллиф олган суратлар.

Полезные советы

НАРОДНЫЕ СРЕДСТВА ОТ КАШЛЯ

Проблемы с кашлем очень распространены и могут возникнуть у каждого. Тело реагирует на раздражение в горле путем откашливания.

Многие люди идут к врачам, принимают лекарства и сиропы от кашля. Но существует много народных средств, которые уменьшают длительность и суровость этой проблемы.

Эти шесть народных средств могут быть приготовлены и применены дома. Вот несколько натуральных лекарственных средств от кашля:

Простейшим наиболее эффективным лекарством будет то, что вы будете пить большое количество воды и много отдыхать. Жидкость увеличивает циркуляцию крови и белых кровяных телец, которые помогают увеличить иммунитет горла против раздражений. Слизь и бактерии из тра-

хеи могут быть удалены, если вы выпьете сок персидского лимона. Также вы можете пить тертый или сырой репчатый лук, можете также съесть его, чтобы облегчить проблемы с кашлем.

Проблему может усугубить потребление холодной, жареной пищи. Вместо этого ешьте овощи вроде огурца, моркови, капусты, шпината, гуавы и помидора. Это очень полезно в лечении кашля, а также увеличивает иммунитет организма.

Усиленный иммунитет также поможет в защите от многих других заболеваний. Употребляйте чеснок хотя бы в двух блюдах каждую неделю, это предотвратит кашель и проблемы с простудой. Инфекции в горле и кашель могут быть ослаблены употреблением смеси из апельсинового сока и молотого миндаля. Еще успокоительный эффект при кашле может быть достигнут, если вы выпьете теплую воду.

Посасывание лимона, посыпанного черным перцем, может ослабить интенсивность проблем с кашлем. Также лечение проблем могут решить соки не цитрусовых фруктов, финики (сушеные), кипяченые в молоке, и козье молоко. Другим естественным лекарством является кипячение листьев персидского лимона в кунжутном масле до приобретения коричневого оттенка.

Прикладывание этого масла к черепу может вылечить простуду и кашель. Также нужно избегать чрезмерных нагрузок на горло и не курить или поглощать охлажденную пищу или напитки.

Люди могут использовать вышеупомянутые лекарства, чтобы облегчить проблемы с горлом, не покидая удобств собственного дома.

Л. ВОЛОШИНА.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Машраб 1-тор кўчаси, 22-уйда жойлашган «Hasanov Abdurahmon» хусусий фирмасига 2009 йил 5 декабрда берилган ПЮ-3987-сонли лицензия-

нинг амал қилиши Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2011 йил 3 ноябрдаги 10-1119/2339-сонли ажримига асосан тикланганлигини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармаси шифокорлик лавозимларига ишга қабул қилишни

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармаси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларидаги мавжуд бўлган бўш шифокорлик лавозимларига ишга қабул қилади.

Жисмонан ва руҳан соғлом, ички ишлар идоралари сафида хизмат қилишга лаёқатли, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятларида доимий рўйхатда турган, шифокорлик дипломига эга бўлган фуқаролар мурожаат этиши мумкин.

Ишга қабул қилиш ички ишлар идоралари хизматига қабул қилиш талаблари асосида амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фаргона йўли кўчаси, 25-уй.
Телефонлар: 291-59-02, 291-93-06.

Ҳурматли муштарийлар!

Агар Сиз обуна бўлган ҳудудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса, таҳририятнинг қуйидаги рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:
(8371) 233-13-22, 233-57-73.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти директори Хамид Ёқубович Каримовга турмуш ўртоғи

Марфуа КАРИМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газета

муассиси:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ

Нашр учун масъул

Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «!» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.

Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувохнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 6146 нусха. Буюртма Г-1145.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН. Босмаҳонага топшириш вақти – 20.00.

